





• Килмиш-қидирмиш

«ПУЛ» ИШЛАЙДИГАН БЎЛДИК, УСТОЗ...

(Фельетон ўрнида)

Пулга ружу қўйган кишининг уйқуси қуш уйқу бўлади. Кимдир киссасига қўл юзуртирса, худди мўмай сармоёга эга бўладигандек, кўзи ўйнайдургон бўлиб қолади. Ҳабибулло Мамазудонов шу топфадада кишилардан.

ортга қайтаришди.

Шундай бўлса-да, янги йил арафасида бу ноқуруларнинг хурмача қилиқлари туфайли 250 оила, яъни 1712 фуқарога 1350 килограмм ун тарқатилмай қолиб кетди. Ҳамтовоклар эса 24700 сўм фойда кўришганди. Аммо Ҳабибулло аввалроқ сувни лойқалатиб қўйган экан. Дўконда тафтиш ўтказилганда, 45986 сўм камомал борлиги аниқланди...

«Унфурушлик касали»га мубтало бўлганлар «Асака-савдо» ҳиссадорлик жамиятида фақат улар эмас. 17-дўкон мудир Мақсудбек Алимовни олайлик. Ошигини олчи деб билган Абдували Холмиров, Алёрбек Исмоилов ва Усмонож Қосимов унинг енгидан кириб, ёқасидан чиқдилар. Ниҳоят, Мақсудбек таъминотчи Солижон Умаралиев билан тил топишди-ю, 17650 килограмм унга қалбаки ҳужжат ёздириб олди. Лекин шарақ-шарақ пул икковига ҳам насиб этмади: пулга тузоқ қўйганларнинг ўзлари тузоққа тушдилар.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

• Ислохот чорраҳаларида

Республикамиз мустақилликини қўлга киритгач деярли барча соҳаларда изчил ислохотлар амалда татбиқ этила бошланди. Жумладан таълим соҳасида ҳам ана шундай кенг қўламолини янгилашлар амалга оширилмоқдаки, бу мустақил республикамизнинг эртаси, келажаси бўлиши ёшларни ватанга муҳаббат, миллатга садоқат руҳида тарбиялашга асос бўлади.

Мухбиримиз Тошкент Кимё технология институтининг «Кимё технологиясининг асослари» кафедраси мудир, техника фанлари номзода, доцент Эсиргап ТУРОПОВ билан учрашиб, олий таълим соҳасида кечаётган бугунги ўзгаришларнинг самаралари, кафедрани амалга оширишда бўлиб катта ҳисса қўйган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

Олий таълим тизимида амалга оширилаётган бугунги ижобий ўзгаришларни чин маънода мустақиллик меваси дейиш мумкин. Негаки, истиқлол туфайли бошқа соҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам миллий анъаналарга, қадриятларимизга, қолаверса илғор жаҳоний тажрибаларга таянган ҳолда янги тизим жорий этилди. Ва бу таъриба ўзининг ижобий самараларини бера бошлади. Хусусан, кейинги йилларда республикамиз олий ва баъзи ўрта махсус ўқув юртига қабулнинг тест синовлари асосида ўтказилиши талабаларни танлаш, улар-

майди. Яъни талаба рейтинглари асосида баҳолангани.

Институтимиз асосан саноат корхоналари учун муҳандис-технолог кадрлар тайёрлашга ихтисослашган. Шунини ишонч билан айтиш керакки, малакали муҳандис технологлар, бугунги кунда энг керакли мутахассислардан бирига айланмоқда.

нинг билим савиясига, иқтидорига ҳам боғлиқ.



ни нашр этдик. Тўпламдан бизнинг домлаларимиз билан бир қаторда чет эллик касбдошларимизнинг мақолалари ҳам ўрин олди.

Айни кунларда эса Фалабанинг 50 йиллик тўйига тўёна тарихида яна ана шундай халқаро илмий мақолалар тўпламини нашрга тайёрлашимиз. Тўплам яқин кунлар ичида ўқувчилар қўлига тега сабаб эмас.

— Бугунги кунда таълим олаётган талабаларининг эртанги кунини қандай тасаввур қиласиз?

— Малакали кадрлар тайёрлаш биз мураббийларнинг фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бола бошидан дегандай ёшларни илм даргоҳига илк қадам қўйган кунидан оқимга, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш биз учун энг олий масала. Қолаверса, бу борада ҳуқуқимизнинг ҳам талай ғамхўрликлар кўрсатмоқдаки, бундай муҳитда талабаларни ҳақиқий ватанпарвар, халқпарвар ва келажаси буюк бўлган Ўзбекистонимизнинг комил эгалари қилиб тайёрлаш имкони туғилади.

«Халқ сўзи» мухбири У. ГОЙИМОВ ёзиб олди.

КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

сида биринчи ва ҳозирча ягона таърибадир.

— Энди бевосита ўзингиз раҳбарлик қилаётган кафедра ва у ерда йўлга қўйилаётган янгиликлар хусусида ҳам гапириб берсангиз?

— Кафедранинг 12 нафар ўқитувчи, 4 нафар техник ходим меҳнат қилади.

Институтимиз Республика олий ўқув юрти орасида биринчилардан бўлиб талабанинг рейтингини тест усулида аниқлашга ўтган...

— Бу усулнинг олдингилардан устунлиги томонлари борми?

— Жуда катта. Яъни бунда талаба узлуксиз назорат остида бўлади. Қолаверса, имтиҳон, сессия деган ортиқча ташвишларга ўрин қол-

Бунинг сабаби аён. Собиқ иттифоқ даврида бизда қайта ишлаш саноати деярли йўқ, республикамиз хомашё базасига айрилиб қолган эди. Бугун эса Республикада ўнлаб, юзлаб қайта ишлаш корхоналари бунёд этилмоқдаки, буларнинг барчасига илмий муҳандис-технологлар сув билан ҳаводек зарур.

Айни кунда институтимизда технология парки мавжуд бўлиб, у ерда кимё ва озиқ-овқат саноатида қўлланиладиган машина ва механизмлар макетлари бор. Талабалар ўқиш жараёнида бевосита улардан фойдаланиб ўз билимларини оширадilar.

Албатта, қай даражада малакали мутахассис тайёрлаш ўқитувчилар-

Бу борада институтимизда талайгина ижобий ишларга қўл урилди. Жумладан кафедранинг «Истиқболли композицион материаллар, механизм ва машиналар учун узеллар ишлаб чиқариш ва текшириш» мавзусида илмий анжуманлар олиб бориладики, унда ўқитувчиларимиз ўзаро фикр алмашадилар, мавжуд билимларини мустаҳкамлайдилар.

Қолаверса кафедрамиз қардош давлатлар илм даргоҳлари, олимлар билан ҳам яхши алоқа ўрнатган. Ўтган йили буюк бобомиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик тўйи арафасида «Амалий механиканинг долзарб муаммолари» номли халқаро илмий мақолалар тўплами-

ХОРАЗМДА ҲАМ ТЕЛЕВИЗОРЛАР ЙИГИЛМОҚДА

Яқинда Хоразмда яна бир «мўъжизавий» воқеа рўй берди. Дўстлик шаҳридаги «Корнет» заводи «Ориол» деб номланган митти телевизорларнинг дастлабки туркумини ишлаб чиқарди.

Электрон техника воситаларини яратиш бўйича етарли таъриба тўплаган жамоа ўтган йили кўч ва салоҳиятини воҳ саноати учун бутунлай янги тармоқ — замонавий телевизорлар ишлаб чиқариш соҳасида синиб қўрди. Ҳаракат зое кетмади. Рязань электрон ускуналар заводи ўзаро фойдали ҳамкорлик шартномаси асосида Хоразмга телевизорларнинг бу ерда ишлаб чиқариладиган қисмларини етказиб бера бошладилар.

Телевизорларни йиғиш иш шу тариқа йўлга қўйилди. Ҳозир корхонада ҳар кун икки нафар ишчи телевизорлар ишлаб чиқарилади. Хоразм маркази билан ишлаб чиқарилган «ойнаи жаҳон»лар сони ҳозир 400 дан ошди.

Тайёр маҳсулотнинг бир қисми Россия бозорларида сотилади. Ундан тушган маблағлар эса хонадонларимиз беэагининг янги қисмларини сотиб олишга харжланади.

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

JOB ANNOUNCEMENT

An international organization with its Headquarters in Geneva presently offers the following vacancy:

Protection Assistant. The candidate, male or female, will have a University degree in Laws be fluent in English and with perfect knowledge of national legislation specially regarding human rights. The selected candidate will be responsible for preparing, conducting and reporting on interviews with individuals/group of individuals requesting assistance under the organization mandate and to provide legal advice/assistance on case by case basis.

If you are interested to apply for that vacancy, please send your application with relevant data to:

UNHCR. Shevchenko str. 4, 700029, Tashkent.

Please note, the deadline is 25 February, 1995.

БМТнинг 50 йиллигини нишонлаш муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф муҳит дастури "Canonic" 1994-1995 йиллар атроф муҳити бўйича "СИЗНИНГ ДУНЁНИНГ ОБЪЕКТИВДА" деб номланган ХАЛҚАРО СУРАТ ТАНЛОВИ эълон қилади.

Танловда иштирок этишга ҳамма ёшдаги (болалар ҳам) профессионал ва ҳаваскор сураткашлар таклиф этилади.

Танлов қатнашчиларига ранг-баранг дунёни, унинг одамларини ва атроф муҳитини қандай тасаввур этишлари ўз суратлари орқали кўрсатиш таклиф этилади.

Танловга рангли ёки қора-оқ диапозитив ёки унинг юқори сифатли кўчирмаси ва /ёки/ 20x20 см./ ўлчамли /энг каттаси 20x25 см./суратлар қабул қилинади.

Ҳолиларни пул мукофотлари — /200 дан 20.000 USD/ ва қимматбаҳо совғалар /"Canonic" компанияси буюмлари/ кутмоқда. Мукофотлар 1995 йил октябрда Нью-Йорк шаҳрида топширилади.

Танловга сурат ва диапозитивларни топшириш муддати 1995 йил 30 апрелгача.

Танловни ўтказишнинг қўшимча шартлари ва буюртма бланкалари хусусида куйидаги манзилларга мурожаат қилинг:

- Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси /700000, Тошкент ш., А. Кодирий шоҳ кўчаси, 5 "А". Тел.: 41-11-03, 41-18-50./

- Ўзбекистон Республикаси Фан-техника давлат қўмитаси /700017, Тошкент ш., Сулаймонова кўчаси, 29. Тел.: 39-44-79/.

ДАСТУРХОН ТУЗАШ ҲАМ САНЪАТ

Пойтахтдаги «Кооператор» ресторанида бўлиб ўтган ошпазлар, қандолатчилар ва официантларнинг ўн иккинчи аъёнаний мусобақаси бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистонда матлубот кооперацияси пайдо бўлганининг 70 йиллигига бағишланган мазкур беллашувда вилоятлардан ўн икки жамоа иштирок этди. Уч кун давом этган мусобақанинг талаблари анча тизим бўлиб, иштирокчилар дастурхон тузаш, мижозларга хизмат қилиш ва таом тайёрлаш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Унда Самарқанд ва Наманган вилояти жамоалари ғолиб чиқди.

Ҳ. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

AMPS ТАРМОҚЛИ /АТС-30/ КАТАКЛИ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

"Ўздунробита" қўйма корхонаси катакли алоқанинг AMPS тармоқли /АТС-30/ станциялари ускуналарини қайта таъмирлашга киришади. Шу муносабат билан 1995 йилнинг 10 мартигача тармоқ ускуналари беқарор ишлайди. Вақтинчалик тугдирилган бу ноқулайлик туфайли абонентларимиздан узр сўраймиз.

"Ўздунробита" қўйма корхонаси.

ИП БУЙИ ТЕЗ ВА ФОЙДАЛИ САВДО!!!

Исталган партиядо Реклама билан қўллаб-қуватлаш Чегирма тизими Мавоза тизими



Кондиционерлар; телефонлар; макорон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган машиналар; сабзавот ва мева қуритиладиган шкафлар; хоналар учун тўсқичлар; инкубаторлар; электрёрдиргич.

Ҳамма турдаги маҳсулотларга қаролат! МИННАҚАВВИЙ ДИЛЕРЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТЛАМИЗ!

Алоқа учун телефонлар: 74-48-71; 74-84-37; 74-72-24.

Факс: 75-59-20

Телетайп: 33-62-50

Телекс: 116311

Қўқон Мотор таъмирлаш заводи 1995 йилнинг 1 мартига қадар "А-01, СМД-62 ва СМД-72" русумли трактор двигателларини таъмирлаш бўйича берилган даволатномаларни таққослаб ўзаро рўйхатдан ўтказди. Кўрсатилган муддатда ҳозир бўлмаган вакиларнинг барча буюртмалари бекор қилинади ва йўқотиладиган даволатномалар қайта тикланмайди. "А-01, СМД-62 ва СМД-72" двигателларини таъмирлаш учун хўжаликлар ва ташкилотлар 1995 йилга тўғридан — тўғри шартномалар тузишлари мумкин. Шу билан биргаликда ўзаро муносабатларда корхонани очик турдаги мотор таъмирлаш ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганлигини инobatта олишларинингизни сўраймиз. Маъмурият.

«Ўзбекистон» давлат концернининг «Орол» савдо унн маъмурияти шу савдо унн лицензия бўлими бошлиғи Ҳабибулло Мавляновга волидаи муҳтарамаси Ҳалма ва СОЛОХИДДИНОВЛАНГ вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

• Иқтисодиёт одимлари БУҒДОЙМИЗ УНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН НОННИ ТАТИБ КЎРМАСИЗ, ДУНЁГА КЕЛМАСИЗ

— дейишмоқда «Оқолтин» дон маҳсулотлари комбинати ишчилари Мавляуки, мамлакатимиз ғалакорлари бултур аввалги йилларда исбатан анча кўп ҳосил етиштирдилар. Бу йил эса донимиз янада мўл бўлади. Ҳўи, ўз буғдойимиздан тайёрланаётган унинг сифати қандай?

Сирларё вилоятдаги «Оқолтин» дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати омборига ўтган йили хўжаликлардан 27 минг тонна дон келтирилган эди. Ҳозир саноатчилар ана шу буғдойдан 78 фоиз миқдорда ун олишмоқда. Бу кўрсаткич четдан олиб келинадиган буғдойниқидан унча фарқ қилмайди. Кузатишларга қараганда, «Енбош» навининг ҳосили анча яхши самара бераёттир. Ундан ҳеч қийинчиликсиз биринчи ва иккинчи нав ун тайёрланмоқда. Комбинат бош директори Саттор Орифнинг айтишича, бундай буғдой ҳосилдан ҳатто олий навли ун олиш ҳам мумкин.

Ҳозир бу ерда 70 минг тоннага яқин ситимга эга омбор мавжуд. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам катта, тегиримонда бир кеча-кундузда 310 тонна буғдой ирилди. Тайёр маҳсулот захираси ҳам кам эмас, икки минг тонна ун ўз харидорларини кутмоқда.

Яқинда бу ерда унларни иҳчам қилиб қалоқлаш ҳам йўлга қўйилди. Энди маҳсулотнинг бир қисми 15 килограммлик қопларга солинмоқда. Бу янгилик харидорлар учун қўлайлик туғдириши, шубҳасиз.

А. ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шеърларимни сизга илдим

БИЛАР ЭДИМ СҮЮКЛИГИМНИ

Мамлакатимизнинг кўпчилик фарзандлари тахсил олган Тошкент давлат университети 75 ёша тўлиди. Шу муносабат билан мухтарам Президентимиз махсус фармон чиқардилар...

римизга раҳмат айтмоқчиман. Табиийки ҳар қандай сайру-саёҳат и ж о д к о р о дамни нима л а р н и д и р ёзичига чорлайди.

Университетимиз тўйи барча вилоятларда ўтказилади. Бу албатта кувонарли улуғ воқеадир, чунки барча вилоятларимиздаги билим дароҳлари қай даражададир ТошДуниги фарзандлари ҳисобланади.



Университетимиз тўйи эндигина бошланди. Насиб этса бошқа вилоятларга ҳам борармиз. Қадамимиз этган ҳар қандай гўшада битта-яримта шеър эсдалик бўлиб қолади, бу ҳам бизни тарбиялаган дароҳга ҳурмат белгиси бўлар деб ўйлайман.

АРМОН ЭМАСМИ

Лозазор қирларда чопа билмасман Ахир у мен учун армон эмасми, Болалик йилларим топа билмасман Ахир у мен учун армон эмасми.

Хаёл гулшанидан терсам чечаклар Жажжи набирамга бўлдим эрмаклар, Энди онам айтмас менга эртаклар Ахир у мен учун армон эмасми.

Қоронгу тунарлар оловлар ёқиб Илк шеърим ёзганим юлдузга боқиб, Энди ахтараман кўзойнак тақиб Ахир у мен учун армон эмасми.

Қагча зот дунёга келдию-кетди, Бирин дуняман этса, бирин дўст этди, Бирининг бошига шон-шухрат этди Ахир у мен учун армон эмасми.

Мени алдаб кетди лўттибоз чўлок Ишонган дўстим ҳам кўрсатди яроқ,

Уларни ҳудога топширдим бироқ Ахир у мен учун армон эмасми.

Шукрона айтаман дўстларим зоҳир Бирин балки қўрқоқ, бириси ботир Яхшилик қилдимми уларга ахир Ахир у мен учун армон эмасми.

Гоҳи эш бўлсамда сийбатарга Қалбимни бахш этдим малюхатларга, Улар деб қолдим мен малюхатларга Ахир у мен учун армон эмасми.

Огоҳман ишқ деган кўхна шевадан, Муҳаббат аталмиш тансиқ шевадан, Орта қарай-қарай қайтдим Хивадан Ахир у мен учун армон эмасми.

АМУДАРЭ

Кимлигимни билар эдим озроқ Билар эдим суюқлигимни, Амударёни кўрганда бироқ Билиб қолдим буюқлигимни.

Абдулла ОРИПОВ.

Юбилейга тайёргарлик

ТЕМУР ДАРВОЗАСИДА СОҲИБҚИРОНГА ҲАЙКАЛ

Вилоят ҳокимининг қарорига кўра Жиззахда буюк саркарда Амир Темур юбилейига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича тузилган ишғирма саккиз кишилик ташкилий қўмитани қизгин иш бошлаб юборди.

Белгиланган тadbирларга асосан Катта Ўзбек йўлининг Санғзор дарёси ўзанида жойлашган «Темур дарвозаси» ҳудуддаги осмонўпар тик қоя устига буюк соҳибқироннинг от устидаги ҳайкали ўрнатилди.

ланаётган истироҳат масканлари мажмуи қад қўтарди. Боғ ва гулзор барпо этилади. Шунингдек, Ғаллаоролдаги Темур қалами теккан «Кўк гўмбаз» қайта таъмирланди.

Ҳ. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Янги китоблар

ЮРТ ТАРИХИДАН САҲИФАЛАР

Кўни-кеча «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган таниқли тарихчи олим Озод Машариповнинг «Хоразм тарихи саҳифалари» китоби мўъжиз қизиқувчи муштариларга ажойиб совға бўлди.

Бу рисола жуда узоқ ва бой тарихга эга бўлган кўхна Хоразм фани, маданияти ва турмушининг X—XIII асрлардаги тарихи ўз тилимизда атрофлича баён этилган дастлабки китоблардан биридир.

Р. ЖАББОРОВ.



Шу кунларда Наманган вилоятининг барча туманларида ҳосил байрамлари ўтказилаяпти. Отчопларда турли миллий кураш, қизиқчилик, улоқ каби томошалар турғайли меҳнатқашларнинг дам олиш кунлари мароқли ўтаётди.

СУРАТДА: Чортоқ туманида бўлиб ўтган ҳосил байрамидида қизиқчи Муҳаммад Даришоев ва Ғабдуллоҳ халқ артисти Ортик Отажоновлар ҳам хизматда бўлишди.

Т. ҲАМРОКУЛ олган сурат.

Қадриятларимиз

Чортоқ тумани марказидан бошланиб, шимолдй-шарқ тарафга тепа ва сойлақлари ораб кетган аёфалот йўлдан қирқ километрлар чамаси боғлаш, буюк бобомиз Амир Темур авлодларининг нари-муруши Абу-Ҳасан Ишқия яшаган ва қарор тоғи хазрати Лангар ота қишлоғи бошлади.

мала» қилиш сирларини ҳамқишлоқлари Юсуфхўжа Эминов, Абдурашид Ҳасанов каби устоз чавандозлардан, қолаверса, отаси Сайдахмад академик ўрганди, сабоқ олди.

дан сўнг Туркманистоннинг Чоршанги туманидан кўпқари муҳлислари келишиб, Жамолхонни тўйга таклиф этиб кетишди. Ҳана тўйда ҳам чироқчилик чавандоз кўпқарининг санъат эканлигини томошабинларга ҳам, чавандозларга ҳам яна бир қарра намойиш этди.

борилса янада яхши. Бундай отлар тўладан хайқмайди, жузвати бўлади. От ўз устидаги чавандознинг фикрини, унинг муддосини, ҳатто қандай феъли одам эканлигини тедада жуда яхши англаб олади.

дозни отлар тўдаси бир томонга суриб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Ана шундай кездарда Жамолхон ўқинмайди, жиловни силтаб, отга бехуда қамчи босмайди.

ОТ ЧОПСА ГУМБУРЛАР ТОҒЛАР ДАРАСИ



дан нари-бири чавандозлар жам бўлишди. Ҳозиргидек, катта зот (соврин) ҳам кўйилмасди. Кўпқарининг баковули бир кўчқор, 50 сўм соврин эълон қилади.

ни билмайди. Жамолхон кўпқарида махсус кийим кийди. Пахтали чапон, чалвордан фойдаланади. Жундан тўқилган чакмон ҳам кийди.

Жамолхон кўпқарида махсус кийим кийди. Пахтали чапон, чалвордан фойдаланади. Жундан тўқилган чакмон ҳам кийди.

Ҳозир ҳам бу ерда етти яшардан етмиш яшаргача барчанин от минishi, узоқ-яқин қишлоқларнинг тўй-томошалари Тутли чавандозларисиз қизмаслиги, ҳақиқий кўпқарига ўқшамай қолиши, ана шу ривоятларни ҳақиқатга яқинлаштиради.

Бундан қирқ йиллар чамаси муқаддам Тутли қишлоғида Илс полвон Маллаев деган номдор чавандоз ўтган. Илс полвон кураш тушишда ҳам, чавандозликда ҳам беназир бўлган. У Самарқанд, Қашқадарь, Сурхондарь, Бўғи Жиззах вилоятлари, ҳатто Қозғистоннинг Қизил ўрда, Чимкент вилоятларида ҳам от чопиб, кўпқариларда бош совринларни қўлга киритган.

Бундан ўн йилча муқаддам Тутлига чегарадош, қўшни Самарқанднинг Жом қишлоғида катта тўй бўлди. Ҳа шундайлар отлар айна пайтағидек зур эмасди. Юздан нари-бири чавандозлар жам бўлишди. Ҳозиргидек, катта зот (соврин) ҳам кўйилмасди.

Уша тўйда Жамолхоннинг отаси Сайдахмад ака ҳам қатнашаётганди. Жамолхоннинг қўлидаги соврин — пулни олиб, кекса чавандозларга бўлиб берди, улардан Ҳўлига фатво беришларини сўради. Кўчқорни қўрбонликка сўйиб юборди.

Шу-шу Жамолхон ўзининг келажagini чавандозлик билан боғлади. У кўпқари чопиб, тўдага кириш, отни бошқариш, от билан «муо-

лай бошлади. Айна пайта Жамолхонни Марказий Осийда энг кучли ва номдор чавандоз дейиш мумкин. У Жиззах, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарь вилоятларида бўлиб ўтган катта кўпқарили тўйларга қатнашиб, энг катта совринларни қўлга киритди. Яқинда Навоий вилоятининг Конимех туманида катта кўпқари бўлди. Ушбу йилнинг Қозғистоннинг Қизил ўрда, Чимкент вилоятларидан ҳам номдор — қозоқ чавандозлари келишган экан. Кўпқари якунида баковул беш марта йirik соврин ташлади.

нинг ҳаммасини ўша ернинг ўзида бева-бечораларга бўлишди, шу ердагиларнинг олқилишини олди. Жамолхоннинг айтишича, от танлашни ҳам билиш керак. Дуч келгани билан кўпқари чопиб бўлмайди. Бунинг учун алоҳида зотли отлар, кўпқарига ўрганган, чарвашин билмайдиган, тўдага бемалол кира оладиган, чавандоз ўлоқни ердан кўтаргандан сўнг қуршовдан чиқиб кетадиган, бошқа чавандозларга чап беришга ўргатилган тулпорлар билангина кўпқари чопиш мумкин. Бундан сўнг қуршовдан чиқиб кетадиган, бошқа чавандозларга чап беришга ўргатилган тулпорлар билангина кўпқари чопиш мумкин. Отнинг кўрнинини, савлати ҳам кўп нарсаларни белгилайди, унинг феъл-атворини ёшлдан тарбиялаб

ни билмайди. Жамолхон кўпқарида махсус кийим кийди. Пахтали чапон, чалвордан фойдаланади. Жундан тўқилган чакмон ҳам кийди. Бошига қулоқчин бостириб олади. Махсус чавандозлик киядиган ушбу тортган пайтада чавандоз от-поти билан ерга қулайди, отини қўндаланг кўйган гирром суворини суриб, йиқитиб кетишдан бошқа илож тополмайсиёз. Кўпқари покизалик ва ҳалолликни ёқтиради.

Ишдан сўнг улфатлар жам бўлишиб, бир паст гурунлашиб, ҳордиқ чиқариш ниятида Қозғистоннинг қоқ марказида яшаётган дўстлариникига йўл олишди. Мезбон ҳам уларни худди юз йил кўрмагандек, кучоқ очиб қарши олди. Бешовлон суҳбат орасида тез-тез қиттақ-қиттақдан кўйи турди. Суҳбат баҳса, баҳс тортишуга айланди. Охири мушғлашишга ўтишди. Ҳамтоғларига қараганда уй эгаси кўпроқ жароҳатланди. Тўйдирганининг қорнига деганларидек, икки дўсти кўрсатиб турган телевизион даст кўтариб мезбоннинг бошига туширишди. Сўнгра ўзлари жабрдийдани шифохонага ётқизишди. У ҳушига келиб, кўзини очган, ҳамширадан «Телевизион бутунмикан?» деб сўради.

НИМАГА КЕРАК ЭКАН?

Кўчадан ўтиб кетаётган одам йўл ўртасида чақалоқ ёганини кўриб милицияга сим қоқди.

Смоленск медицина институтининг анатомия кафедрасига бостириб кирган аёлининг жинни-соелити ўқитувчига ҳам, талабаларга ҳам қоронгу эди. У стол устидаги ўлик туғилган чақалоқни халтасига солди-ю, гоийб бўлди.

Ҳурматли 1964 йил Тошкент халқ хўжалик институтининг кишлоқ хўжалик мўҳосиблиги бўйича 1-2-3 гуруҳларни битирган талабалар, сизларни 1995 йил 15 март куни соат 10 дан 14-00 гача Тошкент шаҳар Чорсу мөҳмонхонаси киришида учрашуга оилангиз билан келишингизни

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ. СОБИҚ КУРСДОШЛАР.

Халқ Сўзи Народное Слово. Рўнқатдан ўтиш тартиби № 0001. Буюртма Г. — 0067.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

Бўлимлар: Парламент 33-57-34; Халқлар 33-07-48; Кишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодиёт 32-36-65; Махонаат 32-35-60; Аxbотот 32-29-89; Туғси муҳарририят 33-10-28.

МанзилимиЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Наббатчи муҳаррир — М. Холматова. Наббатчи — У. Ғоймов.